# ШАРТНОМА-СЧЕТ № 85

*Тошкент шаҳри* "26" октябр 2022 йил

Бундан буён "Бажарувчи" деб юритилувчи **"Маънавият" нашриёти** номидан Низом асосида иш юритувчи Директор **М.М Бўронов** шахсида ва бундан буён "Буюртмачи" деб юритилувчи „Маънавий ҳаёт" нур номидан Устав асосида иш юритувчи Ғ. Шукуров шахсида қуйидагилар тўғрисида шартнома имзоладилар:

**I. Шартнома предмети**

1.1. "Бажарувчи" шартнома имзоланганидан сўнг қуйидаги ишларни амалга оширади, "Буюртмачи" эса харажатлар учун ушбу шартномада кўрсатилган муддатда тўлиқ ҳисоб-китоб қилишни ўз зиммасига олади.

| № | Номи | Адади | 1 донаси учун нарх. сўм. | Умумий суммаси, сўм | Нархи ҚҚС билан сўм. | Умумий суммаси сўм. |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Манавий Хаёт №3 | 7130 | 19178,26 | 159889160,87 | 23983374,13 | 183872535 |
| 2 | Манавий Хаёт №1 | 1207 | | | | |
| | ИТОГО: | | | | | |

**II. Шартноманинг умумий қиймати**

2.1. Ушбу шартноманинг қиймати 183872535 (бир юз саксон уч миллион саккиз юз етмиш икки минг беш юз уттиз беш ) сўмни ташкил этади.

**III. Томонларнинг мажбуриятлари**

3.1. Шартнома имзоланган санадан бошлаб "Буюртмачи" 20 кун ичида "Бажарувчи"нинг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан шартноманинг 30 % миқдордаги тўловини амалга оширади. Туловниг колган 70% махсулот олиб кетилган кундан бошлаб 20 кун мобайнида туланади. Олдиндан тўлов амалга оширилмаса, "Бажарувчи" ишга киришмаслик хуқуқига эга.

Олдиндан тўлов амалга оширилмаса, "Бажарувчи" ишга киришмаслик хуқуқига эга.

3.3. Матбаа хизматлари, қоғоз, матбаа маҳсулотлари нархи ва бошқа харажатлар миқдори ошиб кетган ҳолларда томонлар буюртма маҳсулотининг янги нархлари ҳақида келишиб оладилар. Агар тўлов бюджет ҳисобидан қопланадиган бўлса, маҳсулотнинг нархи ўзгармасдан қолдирилади.

3.4. Шартнома ижро этилмаган ёки сифатсиз ижро этилган ҳолатда айбдор томон етказилган зарарни амалдаги қонунларга мувофиқ қоплайди.

3.5. Томонлар ушбу шартноманинг ижросини таъминлашлари ва зиммаларидаги мажбуриятларни белгиланган муддатда бажаришлари шарт.

3.6. "Бажарувчи" нашр этилган маҳсулотдан мажбурий тарқатиладиган маҳсулотни тираждан ажратиб қолдиришни ўз зиммасига олади. Унинг таннархи эса "Буюртмачи" ҳисобидан қопланади (Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 2 февралдаги 52-сонли Қарорига асосан).

**IV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги**

4.1. Томонлар ушу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик туфайли етказилган зарарни қоплайди.

4.2. Жарима санкцияларини тўлаш томонларни шартнома бўйича асосий мажбуриятларини ижро этишдан озод қилмайди.

4.3. "Буюртмачи" олиб кетилган маҳсулот учун тўловни ушбу шартноманинг 3.1. бандида кўрсатилган муддатда бажармаса, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуннинг 32-моддасига асосан, тўловни муддатидан ўтказиб юборилган сумманинг ҳар бир куни учун 0,4 % миқдорида пеня тўлайди. Бундай жавобгарлик "Бажарувчи"га ҳам тегишлидир (ўз вақтида маҳсулотни тайёрлаб бермаса).

## V. Низоларни ҳал этиш тартиби

5.1. Шартнома юзасидан келишмовчиликлар музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал қилинади, акс ҳолда Тошкент шаҳар туманлараро иктисодий суди орқали қилинади. Эътирозномаларни тақдим этиш мажбурийдир.

5.2. Ушбу шартномада назарда тутилмаган барча масалалар юзасидан томонлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига асосан иш юритадилар.

## VI. Форс-мажор

6.1. Форс-мажор вазиятларда, башарти, мажбуриятни ижро этмаслик шартнома тузилганидан кейин рўй берган бартараф этилмас куч таъсиридаги вазият оқибати ҳамда ҳукумат қарорларига асосан чекланган ҳоллар сабабли рўй берса, томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ ижро этмаслик учун жавобгарликдан озод қилинади.

## VII. Шартноманинг амал қилиш муддати

7.1. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилигидан рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

## VIII. Томонларнинг манзили

| "Бажарувчи" | |
|---|---|
| "Маънавият" нашриёти<br>Тошкент ш., Тараққиёт 2-берк кўча, 2-уй.<br>х/р. 20212000901167364001<br>АТИБ ИПОТЕКА банк Меҳнат бўлими<br>МФО 00423 ИНН 202204394 ОКЭД 58110 | "Маънавий ҳаёт" журнали<br>Тошкент ш, Бобур кўчаси 9-уй<br>Х/р: 400110860262737084300223001<br>ИНН: 207228954<br>МФО: 00014 |
| Нашриёт директори Бўронов.М.М. | Э. Шукуров |

## Юридик хулоса

Ушбу хўжалик шартномаси Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонун талабларига мос келади.

Мазкур хўжалик шартномасида белгиланган муносабатлар фуқаролик кодексининг нормалари билан тартибга солинади.

Тарафларнинг жавобгарлиги меъёри ва низоларни ҳал этиш тартиби қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.

Ҳуқуқшунос У. Т. Иноятов

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIGA O'TKAZISH TO'G'RISIDA

# GUVOHNOMA

Reestr № 003088-07 — № 001710

2010 yil "06" dekabr

Mazkur guvohnoma *"MA`NAVIYAT NASHRIYOT"*

yuridik shaxsga berildi.

| | | |
|---|---|---|
| Tashkiliy-huquqiy shakli: | *Davlat unitar korxonasi NASHRIYOTI* | THSHT (ОПФ) 1200 |
| Mulkchilik shakli: | *Davlat* | MSHT (ФС) 213 |
| Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili: | *TARAQQIYOT 2-BERK KO`CHASI, 2-UY* | MHBT (СОАТО) 1726290 |
| Yuridik shaxs kodi: | | KTUT (ОКПО) 16625676 |
| Asosiy faoliyat turi: | *Tahririyat va nashriyot* | XXTUT (ОКОНХ) 87100 |
| Soliq to'lovchining identifikasiya raqami: | | STIR (ИНН) 202204394 |

Qo'shimcha ma'lumotlar: *Avval, Mirobod t-n hokimining 24.09.1997 yildagi 515-sonli qaroriga a-n r/o-gan va 29.10.1997 yildagi 588-sonli, 04.04.2000 yildagi 354-sonli, hamda 23.05.2003 yildagi 942-sonli qaroriga asosan qayta ro`yxatga olingan.*

Vakolatli organ boshlig'i: *I.I.Matyakubov*

GUVOHNOMANI QALBAKILASHTIRISH QONUN TOMONIDAN TA'QIB QILINADI

**RESPUBLIKA MA'NAVIYAT VA MA'RIFAT KENGASHI**

"MA'NAVIYAT NASHRIYOT" DAVLAT MUASSASASI

**REPUBLICAN COUNCIL OF SPIRITUALITY AND ENGLIGHTENMENT**

"MANAVIYAT" PUBLISHERS

**Тошкент, Тараққиёт 2-берк кўча, 2-уй Тел: (71)289-46-64, (71) 289-65-66 2-close, 2 Taraqqiyot str., Tashkent**

№ 01/05 221 «25» 10 2022 йил

# ЮРИДИК ХУЛОСА

Ушбу хўжалик шартномаси Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонун талабларига мос келади.

Мазкур хўжалик шартномасида белгиланган муносабатлар Фуқаролик кодексининг нормалари билан тартибга солинади.

Тарафларнинг жавобгарлиги меъёри ва низоларни ҳал этиш тартиби Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.

Ҳуқуқшунос **У. Т. Иноятов**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Маънавий ҳаёт” журнали
таҳририяти Бош муҳаррири
_____________ Э.Шукуров
2022 йил “___” ______________

“Маънавий ҳаёт” журналининг 1 ва 3-сонларини чоп этишда энг яхши таклифларни танлаб олиш бўйича танлов комиссияси йиғилишининг

3 - сон

**Б А Ё Н Н О М А С И**

2022 йил “25” октябрь Тошкент ш.

**ҚАТНАШДИЛАР:**

| | |
|---|---|
| А.И.Рўзиев | Бош муҳаррир ўринбосари-танлов комиссия раиси |
| Г.Б.Намазова | Махсус мухбир-комиссия котиби |
| Ш.Ж.Саломов | Бўлим бошлиғи-танлов комиссия аъзоси |
| Ш.У.Рофиева | Махсус мухбир-танлов комиссия аъзоси |
| Ҳ.С.Эрдашев | Бош ҳисобчи- танлов комиссия аъзоси |

**КУН ТАРТИБИ:**

**“Маънавий ҳаёт” журналининг 1 ва 3-сонларини чоп этиш юзасидан энг яхши таклифларни танлаб олишда муҳокамага жойлаштириш**

Кун тартибига қўйилган масала юзасидан комиссия раиси – Бош муҳаррир ўринбосари (Рўзиев) сўзга чиқиб, **“Маънавий ҳаёт” журналининг 1 ва 3-сонларини чоп этиш** учун шартнома тузиш кераклигини таъкидлаб ўтиб, таҳририят томонидан etender.uzex.uz электрон порталида **216 762 000 сўм**га **22110012162802**-сонли лот рақами берилганлигини маълум қилди. Тақдим этилган иккита корхона таклифлари билан комиссия аъзолари атрофлича таништириб чиқилди.

Таҳририятнинг бош ҳисобчиси - танлов комиссияси аъзоси (Ҳ.Эрдашев) ЎРҚ-684 - сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуннинг талабларига қатъй риоя қилиш буйича ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни мақсадли тарзда фойдаланишлари лозимлиги тўғрисида тушунтириш бериб ўтди.

Харид комиссияси аъзоларида мазкур **22110012162802**-сонли лот иштирокчилари билан аффилланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд эмаслиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг (ЎРҚ-684-сон, 22.04.2021й.) 23-моддасига кўра, иштирокчи ва унинг аффилланган шахси мазкур **22110012162802**-сонли лотда иштирок этмаяпти.

Муҳокамага қўйилган масала юзасидан 2 (икки) иш куни давомида ҳеч қандай таклифлар келиб тушмади ва норозиликлар билдирилмади.

Маълумотлар stat.uz сайти ва бошқа тармоқлар орқали текширилди.

Таклиф этилаётган нархлар, баллар қуйидагича белгиланган:

| № | Иштирокчи номи | Таклиф этилаётган нарх | Балл |
|---|---|---|---|
| 1 | “DILSTAR MEDIA BUSINESS” МЧЖ | 208 425 000 | 83.809 |
| 2 | “MA’NAVIYAT NASHRIYOTI” МЧЖ | 183 872 535 | 95 |

Комиссия аъзоларининг хулосасига кўра **“MA’NAVIYAT NASHRIYOTI” МЧЖ** корхонаси таклиф қилган нархлар энг паст деб топилди.

**КОМИССИЯ ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. “Маънавий ҳаёт” журналининг 2-сонини сифатли чоп этиш бўйича **“MA’NAVIYAT NASHRIYOTI” МЧЖ** корхонаси таклифи бир овоздан мақуллансин.

2. **“MA’NAVIYAT NASHRIYOTI” МЧЖ** танлов ғолиби деб топилсин ва ушбу корхона билан шартнома имзолаш мақсадга мувофиқ деб белгилансин.

Ушбу баённома ижроси, Бош муҳаррир ўринбосари (А.Рўзиев) зиммасига юклатилсин.

**ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИ:**

А.И.Рўзиев — Бош муҳаррир ўринбосари-танлов комиссия раиси

Ш.Ж.Саломов — Бош муҳаррир ўринбосари-танлов комиссия аъзоси

Г.Б.Намазова — Махсус мухбир-комиссия котиби

Ш.У.Рофиева — Махсус мухбир-танлов комиссия аъзоси

Х.С.Эрдашев — Бош ҳисобчи- танлов комиссия аъзоси